



Қарор ва ижро

“Ангрен” махсус индустриал зонаси (МИЗ-1) ҳудудида фойдаланилган техник мойларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган «Uz-Ecoprotect» ва «Uz-Prista Recycling» қўшма корхоналари таъсис этилди.

Фойдаланилган техник мойлар — қайта ишлашга

Мазкур корхоналар Президентимизнинг 2012 йил 22 майда қабул қилинган мотор мойлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирларига оид қарори ижросини таъминлаш доирасида фаолият олиб боради.

— Фойдаланилган техник мойларни утилизация қилиш жамият учун муҳим иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга бўлиб, бу масала бутун дунёда кескин муаммага айланмоқда, — дейди “Uz-Ecoprotect” қўшма корхонасининг бизнес-ривожлантириш маслаҳатчиси Руслан Холиқов. — Негаки, фойдаланилган мойлар биосферани сезиларли даражада ифлослантиради. Бундан ташқари, бу мойлар атроф-муҳитга чиқарилганда, нефть ва бошқа нефть маҳсулотларидан фарқли равишда табиий йўл билан кам микдорда зарарсизланади. Уларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш эса катта маблаг ва энг замонавий технология ҳамда ускуналардан фойдаланишни талаб қиладиган мураккаб жараёндир.

Шу йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлатилган техник мойларни топириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш тартиби тўғрисидаги” низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. У фойдаланилган техник мойларни саноат йўли билан самарали утилизация қилиш ҳамда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Янги корхоналар ишлатилган техник мойларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимининг таркибий қисми бўлиб, иккиламчи ҳомашё ва материаллар бозорида амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг экологик масъулияти, ижобий иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги ўртасида оптимал мувозанат яратди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида махсус ташкил этиладиган тўплаш пунктларида фойдаланилган техник мойлар қабул қилинади, сақланади ҳамда қайта ишлаш учун жўнатилади.

Айни пайтда ҳар бир туманда бир ой давомида тўпландиган техник мойлар ҳажми аниқланмоқда ва шундан келиб чиққан ҳолда, қабул қилиш пунктларининг сони ҳамда уларнинг қарорларда жойлаштириш белгиланмоқда. Улар фойдаланилган техник мойларни тўплаш учун махсус резервуарлар, зарур ўлчаш ва лаборатория ускуналари, инвентарь, ёнғинга қарши воситалар билан таъминланади. Уларнинг ҳар бири учун фойдаланилган техник мойларни тез қабул қилиш, мижозларнинг навбатда туриб, қимматли вақтини йўқотмаслигига ёрдам берадиган тизим ишлаб чиқилган.

Барча ишлатилган техник мойлар тўпланиб, навларга ажратилгач, махсус жиҳозланган машиналар контейнерларида Ангрен шаҳридаги собиқ “Резинатехника” очик акциядорлик жамиятининг бўш ётган майдонлари негизда ташкил қилинаётган “Uz-Prista Recycling” қўшма корхонасига жўнатилади. Бу ерда ушбу мойлар қайта ишланиб, улардан техник мойларни ишлаб чиқариш учун асос бўладиган модда олинади. Завод лойиҳасида барча турдаги мойларни қайта ишлаш имконини берувчи хориждан келтирилмаган замонавий ускуналардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Айни пайтда техник мойлар истеъмолчилари билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Улар сирасига ишлаб чиқариш ва транспорт воситаларига эга йирик саноат корхоналари, давлат ҳамда хусусий транспорт корхоналари, шахсий автомобиль эгалари киради. Фойдаланилган техник мойлар амалдаги қонунчиликка биноан иштирокчилар ўртасида тузилладиган шартномалар асосида тўпланади.

Ўзбекистон, бугунги ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятни намойиш этган ҳолда, Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, фойдаланилган техник мойларни тўплаш ва қайта ишлашнинг замонавий тизimini жорий этишни бошлади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири



М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Ислоҳотлар самарадорлиги

депутатлар ташаббускорлигига ҳам боғлиқ

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исро Каримовнинг Фарғонага ташрифи, унинг доирасида халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган маърузаси, маърузада этироф этилган ютуқ ва камчиликлар кенг жамоатчилик, депутатлар ва фаоллар томонидан қизгин муҳокама этилмоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари, вилоятдаги партия фаоллари ва депутатлик гуруҳлари аъзолари мавжуд муаммоларни ечишда партия иштирокини кучайтириш, керакли тақлиф ва ташаббусларни илгари суриш вақти келганлигини таъкидлашди.

— Буюк келажакни яқинлаштириш халқимизнинг кўлида. Шу сабабли Юртбошимизнинг вилоятларга қилаётган сафарлари ана шу олий мақсадни яқинлаштираётгани ҳам ҳақиқатдир. Вилоят ҳаёти билан яқиндан танишганликлар, уни ривожлантириш ва янада обод қилиш бўйича берган маслаҳатлари Фарғонанинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини кучайтиришга хизмат қилади, албатта.

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги фикр-

лари вилоят аҳлининг кўнглини тоғдек кўтарди. Шу билан бирга маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда барча даражадаги депутатлик корпуслари олдида турган вазифаларни яна бир бор қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатди. Чиндан ҳам Фарғона саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлигини ривожлантириш, қурилиш ва ободончилик, аҳолини иш билан таъминлаш ботида салмоқли натижаларга эришмоқда.

Биз партиянинг Фарғона вилоятида бўлиб ўтадиган

тадбирларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида кўп бора иштирок этганмиз. Айниқса, бугун Фарғона ва Қўқоннинг янги либос кийгандек кўркем ва чиройли эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Маълумки, 2009 йилнинг кузида давлатимиз раҳбари Фарғона ва Қўқонга ташриф буюриб, ушбу шаҳарларни юртимизнинг кўркем шаҳарлари қаторидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш бўйича чуқур мазмунга эга маслаҳатлар берган эди.

Давоми 2-бетда ➤

Маҳаллий Кенгашларда

Яна бир неча кунлардан сўнг халқимиз янги — 2013 йилни катта шодиёна билан кутиб олади. Гарчи тақвим бўйича Янги йил тантаналарига ҳали бироз муддат вақт бўлса-да, юртдошларимизнинг кўнгилларида байрам шукўҳи кезмоқда.

Ижтимоий адолат

партиямиз дастурида илгари сурилган устувор ғоялардан биридир

Ҳа, озод ва обод юртга байрамлар ярашади. Бундан бир йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинган ва кўҳна тарих саҳифаларидан жой олиб бораётган 2012 йилда ҳам улкан ютуқ ва марралар кўлга кириштириб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада юксалди. Кириб келатган Янги йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилиши тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилишга хизмат этиши шубҳасиз. Зотан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маро-

симдаги маърузасида таъкидлаганидек, йилга шундай ном беришимиз негизда, авваламбор, юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам.

Айтиш ўринлики, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи ҳам фаолияти жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга ҳамроҳанг равишда бир қатор ишларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Давоми 3-бетда ➤

«Ватан тараққиётига — менинг ҳиссам»

Самарқандда шу шиор остида ўтган Ёшлар фестивали юрт равнақига бел боғлаган баркамол авлодни ягона мақсад йўлида бирлашишга даъват этди



Давоми 4-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна давом этмоқда! Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овера бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!



«АДОЛАТ»
доимий
ҳамроҳингиз
бўлиб қолсин!

Нашр кўрсаткичи
100

Муносабат

Ислохотлар
самарадорлигидепутатлар
ташаббускорлигига
ҳам боғлиқ

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси



Наримон ШОДИЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Фарғона вилоят Кенгаши раиси

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятда ва умуман, мамлакатимизда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида кейинги йилларда барқарор ўсиш суръатлари таъминла-
ниб, салмоқли натижаларга эришилганлиги, бу муваффақиятларнинг асосий омиллари чўқур таҳлил қилинди, аниқ пайтда вилоят олдидан турган энг муҳим вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди.

— Орадан қисқа муддат ўтди. Бу тарих учун бир он ҳисобланади. Бугун бу заминга келсангиз, амалга оширилган ва давом эттирилаётган ўзгаришларни кўриб лол қоласиз.

Қад кўтарган кўркам бинолар, спорт иншоотлари, саноат корхоналари, ўқув юрти бинолари кўзни қамаштиради.

Аммо шундай натижаларга қарамай, жойларда ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги сессияда алоҳида қайд этилди. Бу энг, аввало, ёшларни, касб-хунара коллежлари битирувчилари-

Вилоят иқтисодиётида жорий йилнинг якуни бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот 106,7 фоиз, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида 107,5 фоиз, хизматлар бўйича 117,2 фоиз, пудрат ишларида 12 фоиз ўсишга эришилди. Бундай натижаларни қўлга киритишда замонавий саноат тармоқларини жадал суръатларда ривожлантириш, дунё бозоридан рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқардиган янги корхоналарни барпо этиш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш, соҳага доир янги илгор технология ва ситаларни амалиётга ўз вақтида жорий этиш катта аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда саноат соҳасида юқорида келтирилган талабларга тўла риоя қилган ҳолда, ташқи бозорни чўқур ўрганиб, маҳаллий хомашё ва бошқа имкониятлардан умумий фойдаланишга айлтиган натижага эришилди мумкин. Бунга қўшимча, ташқи бозорнинг ўзига яраша талаблари ҳам борки, бу талаблар, биринчи навбатда, маҳсулотнинг юқори сифати, харидор-бўлиғи ва рақобатдошлиги билан белгиланади.

Бунинг ақол мисолини Фарғона нефтни қайти ишлаш заводи фаолиятида ақол кўриш мумкин. Завод кейинги йиллар-

ни ишга жойлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш масалаларида кузатишмоқда. Бу борадаги муаммоларни ечиш салоҳияти мавжуд.

Маълумки, тилга олинган масалаларнинг кўпчилиги партиямизга алоқадор. Чунки партиямиз дастурида қишлоқ ҳўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфра-тузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш, таълим

да 89 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция ва кредитлар асосида тубдан модернизация қилинди, Фарғона азот ишлаб чиқариш бирлашмасига қарийб 95 миллион АҚШ долларлик инвестиция жалб қилиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти кескин ошди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида вилоят қишлоқ ҳўжалигида, хусусан, пахтачиликда эришилаётган ютуқларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Вилоятда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда, аммо бу борада камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас.

Дарҳақиқат, вилоятда турли соҳаларда сезиларли даражадаги ютуқларга эришилаётгани ҳолда, ҳали ўз ечимини топмаган, эътибордан четда қолаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Маърузада айтиб ўтилганидек, рўйхатдан ўтган, аммо фаолият юритмаётган қўшма корхоналарнинг аксарияти Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари ҳамда Данғара ва Риштон туманларига тўғри келади. Фуқарат ва Қўша туманларида эса бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган.

Бундан кўринадики вилоятда ҳали ишга туширилмаган имкониятлар кўп. Давлатимиз

дан, мамлакатимиз раҳбари ўз маърузаларида ушбу қувонарли ҳолатни алоҳида таъкидлаб, фермерлар наинки иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётимизнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини ўқтириб ўтди. Шу қўшларда Фарғона вилоятидаги етти мингга яқин фермер ҳўжалиги пахтачилик, галлчиликдан ташқари, боғдорчилик, чорвачилик, поллиз экинлари етиштириш билан бандлиги ҳам бунинг исботидир. Соҳадаги мавжуд муаммоларга қарамай, уларнинг қишлоққа саноатни олиб кираётганлари, янги иш ўринлари ташкил этаётганлари қувонарлидир.

Айниқса, кейинги йилларда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида вилоят шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Аммо шунга қарамай, сессияда ҳали ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги тилга олинди. Хусусан, жойларда

муассасаларини тамомлаган ёш мутахассислар ҳақида ғамхўрлик қилиш каби устувор вазифалар белгиланган. Шу нуқтаи назардан, сессияда ўртага ташланган долзарб масалалар депутатлик гуруҳларида ўрганилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши, шу асосда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуридаги реал тақлифлар берилиши, депутатлик гуруҳларининг парламентдаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси билан ҳамкорлигини кучайтириш мақсадига мувофиқ деб ўйлайман.

раҳбари ҳар жиҳатдан мўътадил иқлимга, фақат шу заминда етиштирилаётган, довриги дунёга кетган турли нознеъматларга, қўша тарихга эга Фарғона вилояти ҳақида, унинг кўпни кўрган, ҳаётнинг, одамнинг қадрига етадиган меҳнаткаш, меҳмондўст, ишбилармон, содда ва самимий одамлари тўғрисида алоҳида меҳр билан гапирди. Бу юксак баҳо ва ишонч эришилган ютуқлардан қониқмай, янги марра ва босқичларни кўзлаётган, обод турмуш йили учун муносиб режа тўзаётган фарғоналиклар қалбини фахр ва ифтихор туйғулари билан тўлдирди, уларни янада самарали ишлашга, камчиликларни бартараф этишга, халқимиз учун муносиб турмуш тарзини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшишга отлангиди десак, асло му-болага бўлмайди.

Шубҳасиз, Ўртбошимиз томонидан тилга олинган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз зиммасига ҳам утқан масъулият ўқлайди. Мен партиядошларимизнинг вилоятни ҳар томонлама ривожлантиришда ўз тақлиф ва ташаббуслари билан иштирок этишларига ишонаман.

инвестициялар киритиш, корхоналар сонини кўпайтириш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби вазифаларнинг ижроси, албатта, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, уларнинг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилади. Партиямиз дастурий гоъларига ҳамоҳанг бу вазифалар Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият ўқлайди. Шу боис халқ ноиблари, шу жумладан, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги 5 нафар депутатларимиз маҳаллий Кенгаш сессияларига фуқароларимиз фаровонлиги йўлида жўяли тақлиф ва ташаббусларни илгари суриши, мавжуд муаммоларни ечишда жамоатчилик назорати ҳуқуқларидан фойдаланишни янада кенгайтиришлари лозим.

нинг келтирилиши жамоамизнинг оғирини енгил қилди, миҳозларга ва беморларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, онкологик касалликлар олдини олиш ва камайтиришга қаратилган профилактика ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим ижтимоий вазифа — Фарғона вилояти аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича катта лойиҳалар амалга оширилаётгани ҳам турли юкумли касалликлар келиб чиқишининг олдини олади.

Бир сўз билан айтганда, вилоят сессиясида тилга олинган камчиликларни бартараф этиш, ҳар бир соҳага эътиборни кучайтириш, масъулиятни ошириш, долзарб масалалар доимий эътиборда туриши зарурлиги ҳақидаги фикрлар бизни янада фалорқ ишлаш, олдимизда турган вазифалар ва партиявий бурчини изчил бажаришга ундайди.

Юзма-юз

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ўтган ҳафтада ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказишди. Шу муносабат билан бир гуруҳ фракция аъзолари билан суҳбатлашганимизда, улар ўз округларидаги жонли мулоқотлар сермахсул ўтганлигини алоҳида таъкидлашди. Учрашувларда Ўртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, парламентда кўрилаётган ва қабул қилинаётган қонун лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, уларда электрат манфаатларининг қандай акс этаётгани борасидаги мавзурлар марказий ўрин эгаллади.

Учрашувлардан
тегишли хулосалар
чиқарилди

Фракция аъзоси **Абдука-мол РАҲМОНОВ** Хатирчи ва Навбахор туманларида ўтказган 20 дан зиёд учрашувларида сайловчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда Ўртбошимизнинг Конституциянинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида тилга олинган мамлакатимиз тараққиётида янги берган улкан ўзгариш ва рўйланлишлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар, 2013 йилда аҳолини ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида билдирган фикрлари ҳақида маълумот берди.

Дунёдаги энг нуфузли моливий ташкилотлар томонидан жаҳон моливий-иқтисодий инқирозининг давом этиши ва салбий таъсир ўтказишига қарамасдан, Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида 2013 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоиздан кам бўлмаслигига эришилиши хусусида билдирган ишонч ҳар биримизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишлаётган бўлса, халқаро майдонда юртимиз обрўсининг янада юксалишига ҳам хизмат қилляпти. «Мустақкам оила йили» деб ном берилган 2012 йилда Давлат бюджетининг деярли 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилиши, унинг аксарият қисми соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилгани, кейинги уч йилда аҳолининг реал даромадлари уч баробар ошгани ижтимоий ҳимоя масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида эканлигининг исботидир, — дейди А.Раҳмонов. — Ижтимоий адолатга эришиш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси давлатимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг даромадини изчиллик билан кўпайтиришга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлаб, унинг амалий ижроси бўйича олиб борилаётган ишларда фаол иштирок этишга интиломоқда.

Парламент томонидан қабул қилинган «2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури», Парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари тўғрисида, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси фаолияти ҳақида ҳамда аввалги учрашувларда сайловчилар томонидан билдирилган тақлифлар юзасидан бажарилган амалий ишлар ҳақидаги маълумотлар иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Ҳар бир сиёсий партиянинг мавқеи унинг жамоатчилик билан олиб бораётган алоқалари, халқнинг муносиб турмуш кечириши учун кураши билан белгиланади. Бу масъулиятни чўқур ҳис қилган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг парламент қўйи палатасидаги фракцияси аъзолари учрашувларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилган ишлар аҳоли билан қизиқди. Бунинг исботини фракция аъзоси **Қамола ҲАМИДОВА**нинг Қибрай туманида уюштирган учрашув тадбирлари мисолида кўриш мумкин.

Шунингдек, фракция аъзо-

лари **Ойша АХУНОВА**нинг Наманган вилоятидаги 40-Сардоба сайлов округидаги учрашувлари ҳамда **Умид ЖУМАННЁЗОВ**нинг Хоразм вилоятидаги 107-Гурлан сайлов округидаги учрашувларида мамлакатимизда ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, партиянинг устувор вазифаларидан ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадига инновацион лойиҳаларни амалиётга таъбиқ этишдаги масалалар тўғрисидаги ислохотлар иштирокчиларда катта таассу-

пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар ўрин олиши кераклиги таъкидланди.

Фракция аъзоси **Феруза ОМОНОВА** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларини замонавий ўқув жиҳозлари ва компьютер технологиялари билан таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, умумтаълим мактабларидаги бугунги ҳолат каби масалаларни сайловчилар билан учрашувлар давомида кенг таҳлил қилди. Таъкидлаш жоизки, жойлар-

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жиҳатдан жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кучайтиришнинг мақсад қилиб қўйилган. Бу борада партия мамлакатимиз ривожланишининг асосий тамойилларига — «иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи ва зифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишнинг таъминлашдан иборат бўлган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига таянади.

рот қолдирди. Шу билан бирга, сайловчилар ўз фикр-мулоҳазалари, сиёсий қарашлари, қолаверса, муаммо ва ютуқлари юзасидан очик мулоқотлашиш имкониятига эга бўлишди.

Депутат Раъно ГАИМОВАнинг сайловчилар билан учрашувларида асосий эътибор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қўрқулаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган қонунлар ва уларнинг моҳияти, шунингдек, 2013 йилнинг Ўртбошимиз томонидан «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши замирида ётган мақсадлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатлари, ижтимоий ҳимояси давлатимиз диққат марказида қолаётганлиги ва бу жараёнда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг иштирокига асосий урғу берилди.

«Мустақкам оила йили» Давлат дастури асосида таълим соҳасини янада ривожлантириш, ёшларни касбга йўналтириш, уларни иш билан таъминлаш, ёш оилалар учун намунали уй-жойлар қуриш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ишлар ўрганилди. «Обод турмуш йили»да ҳам бу жиҳли ислохотлар давом эттирилиши партиямизнинг устувор вазифаларидан бўлиб қолади.

Кириб келаётган 2013 йил «Обод турмуш йили» деб эълон қилинар экан, ўз навбатида, қабул қилинадиган Давлат дастурида халқ саломатлигини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли

да бўлиб ўтган тадбирларда мутасадди идора ва ташкилот вакилларининг ҳам иштироки, сайловчилар томонидан қўтарилган айрим масалаларнинг ихобий ҳал этилишига замин яратди. Масалан, вилоят ҳокимиятининг қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳи томонидан Тўрақўрғонда янги мактаб қуриш тақлифи 2013 йилги манзилли дастури шакллантиришда эътиборга олинган ва унга оид ҳужжатлар Республика ишчи гуруҳига тақдим этилган.

Депутат **Алишер АКРОМОВ** фикрича, депутатлар билан сайловчилар ўртасидаги юзма-юз мулоқотлар одамларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати ўзгариб, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти тобора ошиб бораётганини кўрсатди. Бунинг, айниқса, ёшлар томонидан Концепцияда илгари сурилган, мамлакатимизнинг эртанги порлоқ келажагини белгилаб берувчи гоълар билан боғлиқ устувор йўналишларни амалга ошириш борасида депутатлик корпуси, қолаверса, ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган ишларга қизиқишлари, айрим ҳудудларда маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятига муносабати ҳам одамларимизда юрт эртаси учун дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини исботлади.

Хуллас, сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлар орқали депутатлар бугунги кунда аҳолини йўналтираётган масалалар билан яқиндан танишиш, шу асосда электрат манфаатларига мос қонунлар тайёрлаш борасида янги, гоълар ва тақлифларни ўртага ташлашлари учун яна бир замин тайёрлади.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» муҳбири

Шухрат СУЛТОНОВ
Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги
Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари,
физика-математика фанлари доктори

— Фарғона азалдан водийнинг дурдонаси сифатида инсон қалбини ўзига ром этган. Вилоятнинг иқтисодий, маданий, дехқончилик салоҳияти эса мамлакатимизнинг ривожланишига доимо салмоқли ҳисса қўшиб келган. Мустақиллик йиллари эса вилоятнинг бундай имкониятларини юз чандон оширди.

Одатда давлатимиз раҳбарининг юртимиз вилоятларига қилаётган амалий таширфлари фақат бир мақсадга — мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий куч-қудратини янада юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда. Шу сабабли бундай таширфлар халқимиз томонидан ҳар қачон қалбдан қутиб олинади ва қадрланади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Фарғона вилоя-

тига қилган таширфи вилоят аҳли орасида шундай юксак ҳис-туйғуларни тугдирди.

Давлатимиз раҳбарининг юртимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини республикаимизнинг ўзидан қайта ишлашни кенгайтиришга устувор вазифалардан бири сифатида қараш лозимлиги борасида берган тавсиялари эса аҳоли даромадларини бир неча баробар ошириши, янги иш ўринлари яратиш, валюта тушумини ошириш имконини бермоқда.

Тан олиш керак, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан бошланган фермерлик ҳаракати ҳозир, тўлақонли ишлаётган фермер ҳўжаликлари орқали ўзининг истиқболли эканлигини аллақачон кўрсатиб берди. Жумла-

лар, муаммолар бошга тушганини, уларни даф этишга айнама мамлакатимиз раҳбари бош-қош бўлганлигини унутиб бўладими? Шу сабабли Президентимизнинг бу галги таширфи ҳам Фарғонага янги руҳ, кўтаринки кайфият бағишлади. Президентимиз томонидан вилоятнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрнига берилган юқори баҳосини фарғоналиклар мамнуният билан қутиб олмошди.

Маълумки, аниқ мустақиллик йилларида халқимиз ва юртимиз ҳаётида тарихий ўзгаришлар юз берди. Вилоятда кишини лол қолдирувчи ўзгаришларнинг рўй берганлиги, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалганлиги ҳаёт ҳақиқати бўлди. Бу ўринда мисоллар, рақамлар келтиришга эҳтиёж йўқ.

Муҳташам уй-жойлар, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг, институт ва университетлар, коллежлар-



Зулфия ИСЛОМБЕКОВА,
Фарғона вилоят онкология
диспансери бош шифокори,
диспансер қошидаги БПТ раиси

— Истиқлол шарофати фарғоналиклар юрагига яқин. Мустақилликнинг нури, истиқболли йўли эса қандай бебаҳо неъмат эканлигини вилоят аҳли яхши билади.

Ахир, мустақиллик тонги отгунча қанча-қанча ташвиш-

Услубий тавсиялар ишлаб чиқилди

Сиёсий ўқув

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда сиёсий партияларнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этишлари табиий. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган мақсад, вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам сафларини ташаббускор, изланувчан ва фаол аъзолар ҳисобига кенгайтириш, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган фидойи фаолларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шу мақсадда кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиб, жойларда мунтазам семинар-тренинглار ташкил этиб келинмоқда.



Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. «Партия фаолияти: мақсад ва вазифалар» мавзuida вилот партия фаоллари учун ташкил этилган мазкур семинарда жойларда олиб борилаётган амалий ишлар, уларнинг натижалари ҳамда депутатлик гуруҳлари ва партия куйи ташкилотларининг ютуқ ва камчиликлари атрофлича муҳокама қилинди.

— Партия дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ҳар бир партия фаолидан фидойилик талаб қилинади, —

қатъий чек қўйиш керак. Токи адолатлилик принципи қатъий амал қилиш фаолиятимизнинг бош мезонига айлансин. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партияимиздан сайланган фаолларимиз эса ўз сайлов округларидаги маҳаллалар билан доимий ҳамкорликда иш олиб бориб, партияимиз дастурий ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, электоратимизни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш орқали хайрихоҳларимиз сонини янада кўпайтиришга катта ҳисса қўйиш имкониятидан самарали фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашни кенг, интилувчан ва шижоатли ёшларни партия сафига жалб қилиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани «Адолат» СДП дастурий мақсадларига ҳам ҳамоханг эканлигини алоҳида таъкидлашди. Партия тизимидаги раҳбар кадрлар салоҳиятини оширишда бу каби семинарларнинг ўрни ва роли катта эканлигига эътибор қаратилди.

— Тадбир орқали фаолиятимиз давомида зиммамизга юкланадиган масъулиятли вазифалар нималардан иборат эканлигини яна бир бор англаб олдик, — деди «Адолат» СДП Қизилқум тумани кенгаши раиси Абдуғаффор Шодмонов. — Семинарда олган билим ва кўникмаларимиз жорий йилда бажарган амалий ишларимизни сарҳисоб қилиш, келгуси йил мақсад ва режаларимизни белгилаб олишда жуда қўл келади, деб ўйлайман.

Тадбир сўнггида навбатдаги ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашиб, билдирилган таклифлар асосида услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Диққат: электрон чипталар

“Ўзтемирйўлйўловчи” ОАЖ республикамизда “Электрон чипталар”ни жорий этиш бўйича дастлабки ишларни бошлади. Шу муносабат билан МДХ мамлакатларидан Ўзбекистонга йўналишлар бўйича чипталар сотилиши тўхтатилди.



“Ўзтемирйўлйўловчи” ОАЖ айти пайтда “Ўзбекистон темир йўллари” Россиянинг ДАТК “ВНИИЖТ” ОАЖ (Мос-

қахда маълум қилади. Ушбу тизим компания веб-ресурслари орқали йўл чипталарини сотиб олиш имконини беради, бу эса “Экспресс” АБТнинг дастурий таъминотида ўзгаришлар киритишни талаб этади.

Бундан ташқари, 2013 йилдан “Экспресс” АБТда ишловчи давлатларнинг “глобал нархлар” бўйича ўзаро ҳисоб-китобларга ўтиши кўзда тутилган. Бу МДХ, Болтиқбўйи ва Грузия ҳудудларида амалда бўлган йўловчи ташувларини тарификациялаш тартибини унификация қилишни назарда тутди ва у ҳам амалдаги сотувлар тизимининг дастурий таъминотини вақтинчалик ўзгартиришни талаб этади.

“Гулчилар” маҳалласидаги фаолларимиз

БПТ — партия негизи

Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз дастурида белгиланган ғояларни ҳаётга татбиқ этишда ижтимоий шерикларига, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қарамоқда. Бунда, айниқса, маҳаллалардаги партиянинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини кучайтириш муҳим ўрин тутди. Партиянинг Хоразм вилояти Кенгаши фаоллари ҳам дастурий ғояларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда ушбу омилга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Хусусан, Урганч шаҳар партия кенгаши таркибидagi 22 та бошланғич ташкилотлар ўз атрофига 1100 нафарга яқин аъзони бирлаштирган бўлиб, улар орасидаги айнан маҳалла фуқаролар йиғинларида тузилган куйи ташкилотлар фаоллари жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини ошириш, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел боғлаган фаол, сиёсий етук аъзолар билан тўлдиришга ҳаракат қилимоқдалар.

Шаҳардаги “Гулчилар” маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ана шундай фаол куйи бўғинлардан бири-



Давоми. Боши 1-бетда

Ижтимоий адолат

партиямиз дастурида илгари сурилган устувор ғоялардан биридир

Давоми. Боши 1-бетда

Бу жараёнда ўзаро ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамият касб этиб, бу борадаги ишлар партиянинг жамиятимиз ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, демократик янгилашлар жараёнида фаоллик билан иштирок этишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи ўртасида имзоланган иш режа асосида ҳаётга татбиқ этилаётган ишлар бунга мисол бўла олади.

Хусусан, мазкур иш режа асосида босқичма-босқич ташкил этилаётган тадбирлар, амалга оширилаётган ишлар кенг қўламли ислохотлар жараёнида депутатларнинг иштирокини янада кучайтириш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг самарадорлигини ошириш каби вазифаларни муваффақиятли таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари шу йилнинг 16 мартда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида фуқароларнинг мурожаатини қўриб чиқиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, ҳар бир мурожаат орқасида тирик жон, тақдир турганини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари фаолияти давомида ана шу масалага янада устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келмоқда ва ўтган давр мобайнида депутатларимиз кўплаб фуқароларнинг муайян муаммолар бўйича ариза, шикоят ва мурожаатларини ўрганиб чиқиб, муаммолар ечимига имкон қадар ёрдам берди, ваколати доирасида ҳал қилишга кўмаклашди.

Масалан, депутат Т.Матиев таълим муассасаларида, маҳаллаларда, қорхона ва ташкилотларда кўплаб ҳуқуқий-сиёсий мавзуларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкиллаштириб, минглаб фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, уларнинг ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш билан бир қаторда фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиб, уларга ваколати доирасида муаммонинг ечимига

...партия депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзоси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоханг равишда ўзи аъзо бўлган доимий комиссияларда ва ўз сайлов округлари фаолиятида фаоллик билан иштирок этиб, фуқароларнинг ҳар бир мурожаатини эътибордан четда қолдирмай чуқур ўрганиб, уларга ечим топишда мунтазам равишда жонбозлик кўрсатиши лозим.

қўмаклашишга ҳам катта эътибор қаратди. Жумладан, унинг кўмағи билан ўн нафардан ортиқ ёшлар ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинди, шунингдек, депутатнинг ташаббуси билан Миробод туманидаги маҳаллаларда болалар майдончалари фойдаланишга топширилди.

Депутатлик гуруҳи раҳбари С.Турабжонов умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини янгилаб бориш, жорий капитал таъмирлаш, реконструкция қилишга йўналтирилган шаҳар бюджети ва бюджетдан

ташқари маблағлардан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиш учун умумтаълим мактабларининг аҳолини ўрганиб чиқди.

Депутат А.Қосимовга Шайхонтоҳур туманидаги “Жар арик” ва “Илғор” маҳалла фуқаролари йиғинлари маҳалладаги айрим кўчаларни асфальтлаш масаласи юзасидан мурожаат қилган. Мазкур мурожаат юзасидан тегишли мутасадди ташкилотларга депутат сўровномаси киритилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси, депутат З.Акрамхонжаева қўлиб тушаётган сўровномалар асосида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 144-автобус йўналишининг охириг бекатини Тошкент давлат педагогика университетида Яққасарой тумани Юсуф Хос Хожиб кўчасидаги “Корзинка” савдо мажмуаси олдиғача қатновини таъминлаш ҳақида “Тошавтотранс” АКга депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Айни пайтда ушбу масала ижобий ҳал этилмоқда.

Жорий йилнинг 25 ноябрида 33-“Тараққиёт” сайлов округи бўйича Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган ўрнига ўтказилган сайлов якунларига кўра Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан кўрсатилган номзод Жавдат Инағомов депутат этиб сайланди. Ташаббускор, етарлича ҳаётий ва касбий тажрибга эга бўлган ушбу депутатдан умид катта бўлиб, ўйлаймизки, у ўзининг амалий саъй-ҳаракатлари билан ишончи тўла оқлайди.

Албатта, ўзининг куч-ғайратини, салоҳиятини намоён этиб фаолиятида яхши натижаларга эришаётган депутатларни эътироф этсак арзийди. Лекин улар орасида зиммаларидаги масъулиятли вазифадан келиб чиққан ҳолда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияларида аниқ

таклиф ва тавсиялар билан чиқмаётганлар ҳам борлиги кишини ўйлантириб қўяди.

— Бунинг учун фаоллик ва масъулият ҳисси керак бўлади, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Пармонова. — Қузатувларимиздан келиб чиқиб, шу йилнинг 31 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия томонидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари учун “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва доимий комиссиялари фаолиятини янада кучайтиришнинг долзарб масалалари” мавзuida семинар-тренингда депутатлар, умуман Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсияларни бердик.

Мухтасар айтганда, партия депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзоси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоханг равишда ўзи аъзо бўлган доимий комиссияларда ва ўз сайлов округлари фаолиятида фаоллик билан иштирок этиб, фуқароларнинг ҳар бир мурожаатини эътибордан четда қолдирмай чуқур ўрганиб, уларга ечим топишда мунтазам равишда жонбозлик кўрсатиши лозим. Шу билан бирга, ўз зиммаларидаги вазифаларни тўла-тўқис адо этишга интилиб, саъй-ҳаракатлари билан партияимизнинг ғояларини фаол тарғиб этишга, тарафдор ва хайрихоҳларнинг янада кўпайишига кўмаклашиш ҳам фаолиятидаги устувор вазифалардан бўлиши керак. Бу борадаги ишлар “Обод турмуш йили”да янада кенг қўлч ёзиши шубҳасиз.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Жараён

Бадалнинг бадавлат одамлари

бадавлат яшашнинг сири нимада?

Бадалликлар бу саволга «Меҳнат, изланувчанлик, тадбиркорлик ва ҳамжиҳатликда», деб жавоб беришни маъқул кўришади

Обод маҳалла

Дарвоқе, Самарқанд вилояти миқёсида ўтказилган «Энг намунали маҳалла» кўрик-танловида бош совринга сазовор деб топилган Бадалда бугун ҳар уч оиладан иккитаси хусусий тадбиркор, ҳунарманд ёки ўз бизнесини бозорнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда самарали йўлга қўя олган. Боз устига маҳаллада яшовчиларнинг ўзаро аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги ҳудуд билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни биргалашиб беҳаму кўст ҳал этиш имконини бермоқда. Шу боис Бадал қишлоғида йўллар раво, жамоат транспорти қатнови мунтазам, савдо-маиший хизмат соҳобчалари аҳоли талаб эҳтиёжларига яраша иш юртияпти. Коммунал соҳадаги хизмат даражаси эътирозга ўрин қолдирмайди. Маҳалланинг ўз кутубхонаси, спорт-соғломлаштириш маркази бор.

Аслини олганда Самарқанд туманида ўзини ўзи бошқариш ваколатларидан, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ўринли фойдаланиб келаётган маҳаллалар талайгина. Бироқ Бадал маҳалласи ташаббускорлиги, юксак маънавияти ва замон руҳини энг аввал илғай олиши билан уларнинг барчасига ўрнак бўлмоқда.

Эътибор беринг: фаолларнинг салмоқли қисми «Адолат» СДП аъзоларидан иборат Бадал маҳалласининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ аҳоли турмушини фаровонлаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектиларини қуриш ёки таъмирлаш, кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ вазифалар, уларнинг ижро этилиши мuddатлари аниқ белгилаб қўйилган. Аҳамиятлиси шундаки, маҳалла бу режаларни амалга оширишда ўз куч-имкониятлари, молиявий маъналарини ишга солиб келмоқда.

— Дастур ижроси қоғозда қолиб кетмаслиги учун масъул кишилар рўйхатини тузиб чиқ-

қанмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нейматжон Эламов. — Уларнинг ҳисоботларини эшитиб борамиз. Лозим топилганда қўшимча ёрдам кўрсатамиз. Шу тахлитда бултур қишлоқнинг 3 километрик ички йўлини асфальтлаштирдик. Маҳалла маркази учун янги, замонавий бинони қуриб битказдик. Ахир турмуш ободлиги ҳамжиҳатликдан, ҳамманинг бир мақсад учун олиб-югуришидан пайдо бўлади-да!

Маҳаллада кичик корхоналар тармоғи кенгайиб, оилавий тадбиркорлик кун сайин ривож топаётганлиги турмуш фаровонлиги билан боғлиқ режаларни молиялаштиришда қўшимча манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йили Бадалда 3 та янги гишт заводи ишга туширилди. Натижада шу ерда ташкил этилган «Бадал қурилиш» фирмаси қишлоқдошлар учун арзон, сифатли гишлардан қўрам уйлар барпо этишга киришди.

Маҳалла оқсоқоли Нейматжон Эламов айти чоғда шу ҳудуддаги илғор фермер хўжалигини бошқаради. Асосан сабзавотчилик ва боғдорчилик билан шуғулланадиган мазкур хўжалик рентабеллик бобида



вилоятда ҳам пешқадам. Чунки бу ерда деҳқончилик учун акратилган ҳар бир гектар ер 15-20 миллион сўм даромад келтирмоқда. Мухими, фермер хўжалигидаги оқилона иш удумини ҳар битта оила ўзининг шахсий томорқа хўжалигида ҳам қўллаб юқори натижаларга эришмоқда. Бадалликларнинг дастурхонидан қишда ҳам сабзавот, тухум, гўшт қанда бўлмаслиги, маҳсулотнинг ортқасини сотишдан дурустгина пул топаётгани ҳам шундан.

— Мен турмуш ободлигини инсонни қомилликка етакловчи маънавий фазилатларнинг устуңлигида деб биламан, шунинг учун ҳам фарзандларимни илмли, маърифатли қилиб тарбиялаганман, — дейди бадаллик 70 ёшли отахон Абдуҳошим Азимов. — Шу тарбия боис бугун уларнинг барчаси эл хизматиде. Бири мактаб директори, бири — ўқитувчи, бири — тадбиркор. Қўшниси-

нинг ариқ тозалаш, кўприкни созлаш учун чиққанини кўрганлари ҳамон ёрдамга шошилишди.

— Фарзандларимиз бизнинг ҳар битта қадамимиздан ёхуд оғзимиздан чиққан яхши-ёмон сўзлардан андаза олишини эсда тутишимиз даркор, — дейди маҳалланинг 83 ёшли яна бир фуқароси Парда бобо Жўрақулов. — Шу боис биздан талаб этиладиган вазифа — тарбия ва яна бир қарра тарбия. Бемор бўлиб ётган дўстингдан, ҳариндошингдан ёки ҳамқишлоғингдан хабар олдинги, деб сўраб туриш, фарзандларни турмушда масъулиятли бўлишга ундаш кексалар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ҳа, инсоний меҳр-оқибат, кўнгил яқинлиги турмуш ободлигининг муҳим шarti. Бадаллик тадбиркорлар шу йил 27 нафар кам таъминланган оилага қорамол сотиб олиб бериш-

ди. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 4 нафар ўғил боланинг суннат тўйларини ўтказишди. Эзгу тадбирлар, ҳашар ва маросимлар кексалар бошчилигида бевосита ёшлар иштирокида бўлиб ўтаётганида ҳам ўзига хос ҳикмат бор. Чунки турмуш ободлиги ёшлар ғайратидан ранг-кўрк олади, уларда янгиликлар жараёнларига нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтиради. Шунинг учун ҳам Бадалда жамоатчилик назаридан четда қолиб келаётган муаммоларнинг ўзи йўқ. Ёшлари фаол, кексаларни дуоғўй, иймони пок маҳалланинг турмуши янада обод бўлаверади.

З.ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Суратда: маҳалланинг турмуш ободлигини таъминлашда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ меҳнат фахрийлари.

Мулоҳаза

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишда зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш олиб бориш аҳамиятли тадбирлардан ҳисобланади. Бу жараёнда карантин тадбирлари муҳим ўрин тутди.

Ўсимликлар карантини

қишлоқ хўжалиги ривожига муҳим омил

Ўзбекистон ҳудудини чет элдан бегона ўтлар, хавфли зараркунандалар ва турли касалликлар, карантин назоратидаги ўтлар ва ҳашаротларнинг кириб келишидан ҳимоя қилиш ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг бош вазифаси ҳисобланади. Шу билан бирга, зарарли организмларни аниқлаш ва уларни йўқ қилиш, локализация ишларини ташкил этиш ва ҳудудларга уларнинг кириб келишидан оғохлантириш, жамоатчиликнинг хабардор қилиш муҳим масалалардир.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати импорт, экспорт, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, транспортровка, сақлаш, қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш жараёнларида ўсимликлар карантини бўйича белгиланган қоида ва тадбирларга риоя этилишини назорат қилади.

Карантин назорати ишлари масъулиятли тарзда амалга оширилмаса, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига жиддий зиён етиши мумкин. Айниқса, чет элдан кириб келаётган ўсимликларнинг қатъий текшириш муҳим. Улар билан бирга зарарли ҳашарот, зараркунандалар, бегона ўтлар кириб келиши ҳоллари мавжуд бўлиб, уларга қарши тегишли чоралар қўрилади.

Масалан, ватани Ҳиндистон бўлган пахта қўяси гўза ҳосилдорлигининг 70 фоизини нобуд қилишга қодир. Ўртаер деңгизи пашшаси ҳосилдор 30 фоиздан 100 фоизгача йўқ қила олади. Америка оқ капалаги Марказий Осиё мамлакатларига кириб келган тақдирда мамлакат пиллачилигига катта зиён етказиши мумкин, умуман олганда бу капалак 250 турдаги ўсимликларни (олма, нок, беҳи ва ҳ.) нобуд қилишга қодир. Дунё бўйича бундай ҳашарот ва бегона ўтлар, зараркунандалар

сонининг мингдан ортади. Айрим мамлакатларда уларга қарши қатъий кураш олиб борилаётганлигини ҳисобга олиб, биз доимо хушёр бўлишимиз зарур. Нафақат давлат тегишли органлари, балки хаваскор боғбонлар, декоратив боғларни яратиш ишлари билан шуғулланаётганлар ҳам бу йўналишда ўз масъулиятини ҳис этишлари керак.

Шу боис Ўзбекистон чегараларида олиб кириладиган келажакдаги ўсимликлар карантини ҳис этишлари керак. Импорт билан шуғулланадиган тадбиркорлар ва чет элдан келадиган фуқаролар ўсимликлар карантини бўйича қоидаларга амал қилишлари ва ўсимликлар карантини инспекторларининг қўрсатмаларига риоя этишлари керак.

Карантин назорати ишларини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг имконияти кенг бўлиб, ушбу жамоатчилик механизмидан фаолроқ фойдаланишимиз муҳим. Айниқса, фуқароларга тушунтириш ишларини олиб бориш, жойларда карантин назоратини ташкил этиш усуллари, тадбирларини ўргатишда улар кўмак бера олади. Ўз навбатида, карантин хизмати маҳаллаларни тегишли тарқатма материаллар билан таъминлаб бориши ва улар билан ҳамкорликни кучайтириши лозим.

Ҳасан САМЕДЖАНОВ,
«Тошкент» Ўсимликлар карантини чегара пункти карантин бўйича стакчи инспектор

«Ватан тараққиётига — менинг ҳиссам»

Самарқандда шу шиор остида ўтган Ёшлар фестивали юрт равнақига бел боғлаган баркамол авлодни ягона мақсад йўлида бирлашишга даъват этди

Фестиваль

Қамрови, иштирокчиларининг кўпчилиги ва қўйилган мақсад-вазифаларнинг аҳамияти билан Самарқанд вилояти ёшлари ҳаётида катта воқеага айланган фестиваль тадбир ташкилотчиларининг ишончини оқлади. Умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ҳамда олий таълим муассасаларининг иқтидорли ўқувчи-талабалари, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, мудофаа, ички ишлар ҳамда жамоат ташкилотларининг, иқтисодиёт корхоналарининг ёш, изланувчан ходимларидан иборат 500 дан ортиқ анжуман иштирокчиси Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида салоҳиятли ишларга қодир эканликларини фестиваль довомиде яна бир қарра англаб етдилар.

Анжуман бошланиши арафасида Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинги институтининг вилоят минтақавий ахборот-таҳлил марказида журналистлар билан бўлиб ўтган матбуот конференциясида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнидаги иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида урғу берилиб, бу борада анжуман зарур тарғибот вазифасини ўташи, ёш истеъодлар ўртасида ўзаро билим, тажриба алмашишга хизмат қилиши таъкидланди. Фестиваль қатнашчилари ўз зукколиклари, изланиш-интилишлари ва ис-

лохотлар моҳиятини чуқур тушуниб етишлари билан янгиланаётган жамият талабларига муносиб эканликларини тадбир доирасидаги учрашув ва мулоқотларда яққол намойён этдилар.

Фестиваль иштирокчилари дастлаб Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини, тарихий қадамжоларни, янги қурилишларни томоша қилишга, вилоятдаги йирик санат корхоналари — «MAN» автомобил заводи ва «Сам-Антепгил» қўшма корхонаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Сўнгра олий ўқув юртларида, хусусан, Самар-

қанд давлат университетиде илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатларида қатнашдилар, истеъдодли тенгдошларининг маърузаларини тингладилар. Музейларда ва ҳунармандчилик марказида ёш ижодкорларнинг кўргазмалари билан танишиш ҳамда Ҳамид Олимжон номидаги мусиқа ва драма театрида махсус сахналаштирилган спектаклни томоша қилиш ёшларда чуқур таассурот қолдирди.

Фестиваль иштирокчиларидан айримлари билан суҳбатлашиш асносида уларнинг жамиятда кечаётган жараёнларга муносабати билан қизиқдик.

Ҳиммат Нозимова,
Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги 1-сон академик лицей талабаси:

— Шеърятга, бадий ижодга хавасим баланд. Самарқанддаги ва пойтахтдаги нашриётларда аллақачон тўртта шеърый китобим босмадан чиққан. Оразим, келгусида шоира бўлиш. Фестиваль мен каби ёшларни янги ижодий ишларга руҳлантиргани билан ҳам эсда қоларли бўлди.

Ширин Абдуллаева,
Самарқанд давлат университети қошидаги 1-сон академик лицей талабаси:

— Яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада рус тили ва маданиятини ўрганиш номинацияси бўйича иккинчи ўринни эгал-

лаб қайтдим. Пушкин юртида, юзлаб билимдонлар даврасида ўзбек қизининг саводхонлигига берилган баҳо мени ниҳоятда хурсанд қилди. Мақсадим, келгусида халқаро журналистика соҳасида ўқиш, касб эгаллаш. Шу боис юртимизда

ва жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни чуқур қизиқиш билан қўзатиб бораман. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг янги жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларидан хабардорман. Улар

орасида «Адолат» СДП амалиётчи партия сифатида кўпроқ эътиборимни тортади. Бугунги фестивал эса ёшлар ўртасида вилоятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтиради деб ҳисоблайман.



Бу тадбир иштирокчиларининг ҳолис мулоҳазаси. Аҳамиятлиси шундаки, вилоят ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг бевосита ташаббуси билан ўтказилган мазкур фестиваль доирасида кўплаб номинациялар бўйича танловлар эълон қилиниб, ғолиблар аниқланди. Чунончи, «Иқтидорли талаба», «Изланувчан фан номзоиди», «Энг яхши инновацион гоя муаллифи», «Энг ёш тадбиркор», «Энг ёш мусаввир» сингари йигирмага яқин номинация ғолиблари ташкилотчиларнинг фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди. Жаҳон ва Осиё мусобақаларида пешқадамлик қилган 19 нафар спортчи эса вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиги ва ташаккурномаси топирилди.

Самарқандда бўлиб ўтган фестиваль вилоятнинг энг чека қишлоқларида ҳам акс-садо бергани ва Ватан тараққиётига қамарбаста ёшларни янги мақсадларга руҳлантиргани, уларни ислохотлар жараёнида мустақил фикр ва ташаббуслар билан иштирок этишга ундагани боис аҳамиятли бўлди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Суратларда: фестивал иштирокчилари. Муаллиф олган суратлар.

Муносабат

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинаётган қонунлар иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизациялашга, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқлар
кафолатланган,
имкониятлар тенг

Айниқса, ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлаган мамлакатимиз молия-банк тизими самарадорлигини ошириш масаласига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлаш жоиз. Юртбошимиз томонидан эълон қилинган Концепцияда эътироф этилганидек, “бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, сугурта компаниялари, кредит уюмлари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади”.

Шу нуктаи назардан қуни-кеча кучга кирган “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун хусусий банк ва молия инсти-

аралашишга ҳақли эмас. Агар давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари хусусий банк ва молия институтларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва аниқ қоидабузарлиқни бартараф этиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ чора-тадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги факти юзасидан хусусий банк ва молия институтларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашishi ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Қонунда, шунингдек, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда улар мансабдор шахсларининг хусусий банк ва молия институтлари фаолиятига, шу жумладан, мазкур институтлар ҳамда улар филиалларининг раҳбар ходимларини тайинлашга аралашishi, хусусий банк ва молия институтларининг маблағлари ҳисобидан турли тўловлар ҳамда бадаллар талаб қилиши тақиқланиши белгиланмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг хусусий

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хусусий банк ва молия институтларининг фаолиятини текширишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан режали тартибда кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилишининг кўзда тутилгани ҳам хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини янада яхшилаш, улар дахлсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш имконини беради.

тутларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга, банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратишга, банк хизматлари ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатни кенгайтириш ҳамда миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

5 та боб ва 26 та моддадан иборат Қонун устав фондида (устав капиталда) муассислар (иштирокчилар) бўлган жисмоний шахсларнинг улуши камидан эллик фоизни ташкил этиши лозим бўлган банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, сугурта ташкилотлари, шунингдек фақат молиявий хизматлар кўрсатувчи ўзга юридик шахсларга тааллуқлидир.

Куйидагилар хусусий банк ва молия институтларининг муассислари (иштирокчилари) бўлиши мумкин эмас:

- устав фондида (устав капиталда) давлат улуши бўлган юридик шахслар;
- давлат органлари, шунингдек, сиёсий партиялар, касаба уюмлари, жамоат фондлари ва диний ташкилотлар.

Хусусий банк ва молия институтларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса алоҳида бобда белгиланган.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, давлат хусусий банк ва молия институтларига тенг ҳуқуқларни кафолатлайди ва моддий-техник, молиявий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурслардан фойдаланишининг тенг имкониятларини яратади.

Энг муҳими, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари хусусий банк ва молия институтларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига

Абдурафиқ АҲАДОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
фракцияси аъзоси

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
«ЯҒОНА БУЮРТМАЧИ ҲИЗМАТИ»
ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилоти Кува тумани Суфи қишлоғидаги 13-сонли (тип II) болалар мусиқа ва санъат мактабини мукаммал реконструкция ишлари».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 1 916 433 700 сўм ҚҚС билан; 1 597 028 100 сўм ҚҚСсиз.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. «Фарғона вилоти Бешариқ тумани Бешариқ ҚФЙ Оқ товук қишлоғида 75 қатновли қишлоқ врачлик пункти қурилиши».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 710 316 840 сўм ҚҚС билан; 591 930 700 сўм ҚҚСсиз.

Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларни

таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. «Фарғона вилоти Фарғона шаҳар Ойбек кўчасидаги Фарғона вилот болалар тиббиёт куп тармоқли марказини реконструкция ишлари».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 1 863 041 040 сўм ҚҚС билан; 1 552 534 200 сўм ҚҚСсиз.

Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларни таъминлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларига ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар бериледи.

кичик бизнес субъектлари диққатига!

1. «Фарғона вилоти Бешариқ тумани Анлархон ҚФЙ Қияли қишлоғида 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти қурилиши».

Бошланғич нархи — 432 844 920 сўм ҚҚС билан; 360 704 100 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

2. «Фарғона вилоти Риштон тумани Оқ олтин ҚФЙ Янгийўл қишлоғида 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти қурилиши».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 413 501 520 сўм ҚҚС билан ва 344 584 600 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-1

1-1 «Фарғона вилоти Бешариқ тумани Бешари ҚФЙ Бешари қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 125 397 382 сўм ҚҚС билан ва 104 497 818 сўм ҚҚСсиз.

1-2 «Фарғона вилоти Бойдоқ тумани Дўрмонча ҚФЙ Кучак қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 162 849 082 сўм ҚҚС билан ва 135 707 568 сўм ҚҚСсиз.

1-3 «Фарғона вилоти Бойдоқ тумани Ирғоли МФЙ Пичоқчи маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 153 061 882 сўм ҚҚС билан ва 127 551 568 сўм ҚҚСсиз.

1-4 «Фарғона вилоти Бойдоқ тумани Чувалянчи ҚФЙ Чувалянчи қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 149 418 982 сўм ҚҚС билан ва 124 515 818 сўм ҚҚСсиз.

1-5 «Фарғона вилоти Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Қорақуйли қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 144 871 782 сўм ҚҚС билан ва 120 726 485 сўм ҚҚСсиз.

1-6 «Фарғона вилоти Бешариқ тумани Козоккурғон қишлоғини Ватан ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 135 212 782 сўм ҚҚС билан ва 112 677 318 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-2

2-1 «Фарғона вилоти Бувайда тумани Оққўрғон ҚФЙ Чутака қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 133 050 699 сўм ҚҚС билан ва 110 875 583 сўм ҚҚСсиз.

2-2 «Фарғона вилоти Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ Узунмаҳалла қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 151 066 999 сўм ҚҚС билан ва 125 889 166 сўм ҚҚСсиз.

2-3 «Фарғона вилоти Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ Тоғлик қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 150 696 399 сўм ҚҚС билан ва 125 580 333 сўм ҚҚСсиз.

2-4 «Фарғона вилоти Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ Қуммаҳалла қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 126 477 299 сўм ҚҚС билан ва 105 397 749 сўм ҚҚСсиз.

2-5 «Фарғона вилоти Данғара тумани Сойбўйи қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 128 138 599 сўм ҚҚС билан ва 106 782 166 сўм ҚҚСсиз.

2-6 «Фарғона вилоти Данғара тумани Капасарой маҳалла қишлоғи Оқжар ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Муддати — 30.08.2013 йил

Бошланғич нархи — 126 177 499 сўм ҚҚС билан ва 105 147 916 сўм ҚҚСсиз.

ЛОТ-3

3.1. «Фарғона вилоти Риштон тумани Ёшлик ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 145 230 746 сўм ҚҚС билан, 121 025 622 сўм ҚҚСсиз.

3.2. «Фарғона вилоти Риштон тумани Янгиҳаёт қишлоғи Дутир ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 122 205 646 сўм ҚҚС билан; 101 838 038 сўм ҚҚСсиз.

3.3. «Фарғона вилоти Олтиариқ тумани Капчугай-2 қишлоғи Капчугай ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 164 997 607 сўм ҚҚС билан; 137 498 006 сўм ҚҚСсиз.

3.4. «Фарғона вилоти Олтиариқ тумани Суфийота қишлоғи Янгиқурғон ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 130 799 646 сўм ҚҚС билан; 108 999 705 сўм ҚҚСсиз.

3.5. «Фарғона вилоти Олтиариқ тумани Олтиариқ ҚФЙ Ёшлик маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 146 287 707 сўм ҚҚС билан; 121 906 423 сўм ҚҚСсиз.

3.6. «Фарғона вилоти Риштон тумани Хурамобод қишлоғи Хурамобод ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 118 871 407 сўм ҚҚС билан; 99 059 506 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

ЛОТ-4

4.1. «Фарғона вилоти Тошлоқ тумани Чуқурқишлоқ қишлоғи Тухтабоев ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 168 201 822 сўм ҚҚС билан, 140 168 185 сўм ҚҚСсиз.

4.2. «Фарғона вилоти Тошлоқ тумани Какир қишлоғи Сада ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 152 703 946 сўм ҚҚС билан; 127 253 288 сўм ҚҚСсиз.

4.3. «Фарғона вилоти Фурқат тумани Ардакхон қишлоғи Навбахор ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 128 804 699 сўм ҚҚС билан; 107 337 249 сўм ҚҚСсиз.

4.4. «Фарғона вилоти Фурқат тумани Темирийўлчи қишлоғи Навбахор ҚФЙни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 123 225 199 сўм ҚҚС билан; 102 687 666 сўм ҚҚСсиз.

4.5. «Фарғона вилоти Фурқат тумани Навбахор ҚФЙ Навий ва Ётамбердиев маҳаллаларини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи 166 599 799 сўм ҚҚС билан; 138 833 166 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

ЛОТ-5

5.1. «Фарғона вилоти Ёзёвон тумани Ёзёвон ҚФЙ Иттифоқ маҳалласи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 132 901 399 сўм ҚҚС билан; 110 751 166 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

5.2. «Фарғона вилоти Ёзёвон тумани Қоратепа ҚФЙ Қуммаҳалла қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 136 586 999 сўм ҚҚС билан; 113 822 499 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

5.3. «Фарғона вилоти Фарғона тумани Каптархона ҚФЙ Каптархона қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 138 232 246 сўм ҚҚС билан; 115 193 538 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

5.4. «Фарғона вилоти Кува тумани Намуна ҚФЙ Янгичек қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 124 596 707 сўм ҚҚС билан; 103 830 589 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

ЛОТ-6

6.1. «Фарғона вилоти Ўзбекистон тумани Нурсуҳ ҚФЙ Қақир-1 қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 206 559 200 сўм ҚҚС билан; 172 132 667 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

6.2. «Фарғона вилоти Ўзбекистон тумани Нурсуҳ ҚФЙ Кенасас юқори маҳалла қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 205 533 400 сўм ҚҚС билан; 171 277 833 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

6.3. «Фарғона вилоти Учқўприк тумани Полохон ҚФЙ Милтиқчи қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 183 170 000 сўм ҚҚС билан; 152 641 667 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

6.4. «Фарғона вилоти Учқўприк тумани Янгиқишлоқ ҚФЙ Қирқ қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 194 838 600 сўм ҚҚС билан; 162 365 500 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

6.5. «Фарғона вилоти Учқўприк тумани Сарикўрғон ҚФЙ Сойбўйи (Қурбонқашқар) қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 215 185 000 сўм ҚҚС билан; 179 320 833 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

ЛОТ-7

7.1. «Фарғона вилоти Ёзёвон тумани Тошбулоқ қишлоғи Йўлдошбод ҚФЙ ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 138 194 707 сўм ҚҚС билан; 115 162 256 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

7.2. «Фарғона вилоти Қўштепа тумани Тўлқин ҚФЙ Лангар қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 128 250 446 сўм ҚҚС билан; 106 875 372 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

7.3. «Фарғона вилоти Кува тумани Юқори Мўян маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — 149 357 100 сўм ҚҚС билан; 124 464 250 сўм ҚҚСсиз.

Муддати — 30.08.2013 йил

Фарғона шаҳри, темирийўлчилар кўчаси 37 уй, телефон/факс: +99898-276-25-48
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Тактифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Тактифлар очирилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, темирийўлчилар кўчаси 37-уй* манзилда ўтказилади.

кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган то-

варлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилот қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат қилишлари мумкин:

Ньютаун фожеаси

Шарҳ

Дунёда қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш, фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини таъминлаш, эркак ва аёллар тенглигига эришиш, болалар ўлимини камайтириш, оналар соғлиғини яхшилаш, орттирилган иммун тақчиллиги синдроми, безгак сингари оғир касалликларга қарши кураш, экологик барқарорликни таъминлаш, тараққиётга эришиш мақсадида глобал ҳамкорликни кучайтириш дунёнинг 185 мамлакати раҳбарлари томонидан ХХ асрнинг сўнгги саммити ҳисобланган БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилги сессиясида имзоланган янги мингйилликнинг Декларациясида ўз аксини топган эди. Таассуфлар бўлсинки, ўтган йиллар мобайнида дунёнинг қатор давлатлари ана шундай муаммоли масалаларни ҳал этиш имконига эга бўлмадилар. Бу муаммолар вақти келиб ҳал бўлар. Аммо дунёда давлатларни ичидан емиришга олиб келувчи маънавий хуржлар ва маънавиятсизлик муаммолари ҳам борки, бу ҳар қандай жамият илдизига болта уриш билан баробар.

Айниқса, америкаликлар ўтган ҳафта, аниқроғи 14 декабрь кунги Коннектикут штатидаги бошланғич мактабда юз берган оммавий қотилликдан дахшатга тушишмоқда. Қуролланган йигит синфмасинф юриб, 27 кишини ўлдирган. 20 нафари 6-7 ёшдаги болалар, қолгани муаллимлар, улар орасида мактаб директори ҳам бор. Қотил 20 ёшли Адам Ланза экани аниқланди. У шунча одамни ўлдирган, ўз жонига қасд қилган.

— Ҳалок бўлган болаларнинг ота-оналари андуҳини ер юзидаги жамияки инсон тушунади, — дейди президент Барак Обама. — Америка бундай жиноятлардан тўйди. Жамият бундай талафотларнинг олдини олиш учун жиддий чоралар кўриши лозим. Муаммога жавобни ўзимиздан қидирайлик. АҚШда қуролга эгалик қилиш ҳуқуқи конституция томонидан қафолатланган, аммо кўплаб штатлар кўпчилик овоз билан бу ҳуқуқни чеклайди. Улар назарида фуқароларнинг эркин қурол кўтариб юриши жамият учун хавф. Коннектикут шундай штатлардан бири. Кечаги хуруж қурол юзасидан тинмай диган баҳс-мунозараларни янада аланга олдириб юборди.


Албатта, жамиятда тортишувлар бўлиши мумкин. Негаки, ҳар йили АҚШда 30 мингдан ошмиқ одам қуролли ҳужум қурбони бўлади, яна 200 минг киши тан жароҳатлари олади. Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберг биринчилардан бўлиб ҳукуматнинг қурол савдосини чеклаши кераклиги бора-сидидаги тақлиф билан чиқди.

15 декабрь куни Коннектикут штати расмийлари мактабда уюштирилган ҳужум оқибатида ҳалок бўлганлар исмлари ва ёшини эълон қилди. Қурбон бўлганлардан 12 нафари киз бола, саккиз нафари ўғил бола, олти нафари мактаб ўқитувчиси бўлган. Болалар 6-7 ёшда бўлган. Айни пайтда, қотиллик содир этганликда гумонланган шахснинг оиласи қурбон бўлганлар оилаларига “чуқур таъзия” изҳор қилган.

Берлускони:


«Италия еврозонадан чиқиши мумкин»

Мамлакатнинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони сўзларига қараганда, Европа Марказий банки кўпроқ ваколатлар олган тақдирдагина бу воқеа ўз бермаслиги мумкин.




«Германия Марказий банкни тўлақонли мувофиқлаштирувчи сифатида тан олишга тайёр эмас. Демак, қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш қиймати камайтирилмайдиган. Бу ҳолда биз еврозонани тарк этишга ва миллий валютага қайтишга мажбурмиз», дея баёнот берган Берлускони.

Айни пайтда шов-шувли чиқишлари билан ном қозонган сўёсатчи навбатдаги сайлов комиссиясини бошлаб юборган. Италияда келгуси йилнинг февраль ойида бўлиб ўтадиган сайловларда Берлускони яна бир бор бош вазир лавозимини эгаллашга ҳаракат қилади.



у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинистик, диний тоқатсизлик кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва маърифат масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Олайки, дунёдаги энг фаровон мамлакатлардан бири, моддий фаровонлиги юқори Норвегияда ўтган йили содир этилган муҳим қотиллик дунё



қияшга нисбатан шаклланаётган нуктаи назар эмас, балки қитъада маданий қарашларнинг, ахлоқий мезонларнинг емирилаётгани белгисидир. Чунки айрим жамиятлар учун хос бўлган турмуш тарзи; ҳаёт қадриятлари, индивидуализм охир-оқибат пуч бўлиб чиқаяпти. Бир кишининг қўлига автомат олиб, бир йўла саксон кишини отиши маданий емирилишининг, маънавий тубанлиқнинг, жамоавий тарбиянинг йўқлиги оқибатидир. Тан олиш керак, жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинаётганидек, глобал молиявий-иқтисодий муаммолари таъсирида

АҚШнинг яқин тарихидаги оммавий қотилликлар:
1984 йили Жеймс Оливер Хьюберти Калифорниядаги «Макдоналдс»да 21 кишини отиб ўлдирди;
1986 йили почталовчи Патт Шерилл ўз ишхонасида 14 киши ҳаётига зомин бўлди;
1991 йили Техасда Жорж Хеннарднинг ўққа тутиши оқибатида 23 киши ҳалок бўлди;
1999 йили Колорадодаги икки нафар юқори синф ўқувчиси эса ўз мактабида 13 кишини ўлдиришида ва кейин ўз жонларига қасд қилишди;
2007 йили Виржиния политехника университетида талаба 32 кишининг ёстиғини қуритди;
2009 йили ҳарбий хизматчи Техасдаги Форт-Худ ҳарбий базасида 13 кишининг умрига зомин бўлди.

ахлини қанчалик ларзага солганди. Европа тарихидаги энг йирик террорчилик ҳаракатларидан бирини содир этган Андерс Брейвик янги бир тушунчани — Брейвик синдромини юзага келтирди. Бу синдромнинг хавфи шу даражада каттаки, айрим таҳлилчилар бу Европа учун катта таҳдид эканлигини яширишмаяпти.

Маълумки, ўтган йилнинг июль ойида у Утойя оролида Ишчилар партиясининг ёшлар лагерида 69 нафар кишини ўққа тутди, мамлакат пойтахтида бир қатор портлашни амалга оширди. Натижада, 77 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ўз хатти-ҳаракатини мамлакатнинг маданияти хилма-хиллашиб бораётганига эътироз сифатида билдирди. Умуман, Андерс Брейвик содир этган жиноят шунчаки Европа мамлакатларида иммиг-

қиклашга қақирмоқдалар. Хулоса ўрнида айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли одамгина ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, ўз давлатининг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин олиш учун фидойилик кўрсатиши мумкин. Бундай ҳисдан бегона миллат охир-оқибат таназзулга учраши мумкин.

Шубҳасиз, ана шундай жараёнларда маънавий тарбия масаласи муҳим ўрин тутди. Бу масаладаги бефарқлик оқибатида Юртбошимиз таъбири билан айтганда, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимизни, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин. Шу боис мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, маънавият ва маърифат масалаларига, миллий қадриятлар ва тарихини, хоржиқий тилларни ўрганиш, ёшларни илмга, касб-хунарга йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани бежиз эмас.

Минг шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда келажақ ворисларни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва қўшимча имкониятлар яратилган. Юртбошимиз ҳам Конституциянинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда бежиз ёшлар масаласига тўхталмадилар. Эртанги ёруғ келажагимиз ҳақида гапира туриб Президентимиз: “Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмақда.

Ишончим комил, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонкидир”, дея бежиз таъкидламадилар.

М. АҲМЕДОВ

Жанубий Корея: биринчи аёл президент


Жанубий Кореяда илк бор аёл киши президент этиб сайланди. Чоршанба кўни бўлиб ўтган сайловда “Сэнури” партиясининг номзоди Пак Кин Хе 51,5 фоиз овоз олиб, голиб чиқди. Унинг рақиби, муҳолифатдаги Бирлашган демократик партия вакили Мун Чже Инга 48 фоиз сайловчилар овоз беришган.

Голиб Пак Кин Хе 60 ёшда. Унинг отаси Пак Чон Хи ҳам мамлакат президенти бўлган. 1961 йили ҳокимият тепасига келган Пак Чон Хи даврида Жанубий Корея иқтисодий жиҳатдан катта муваффақиятларни қўлга киритган. Мутахассислар янги давлат раҳбари Пхеньян билан муносабатларни илиқлаштириш масаласида алоҳида эътибор қаратишини таъкидлашмоқда. Жумладан, Пак Кин Хе собиқ президентлар Ким Дэ Чжун ва Ре Му Хен ишини давом эттириб, “қуёш ҳарорати сиёсати”ни тиклаши мумкин. Бу ҳолда КХДРга берилаётган инсонпарварлик ёрдами миқдори кескин оширилади.



Карлос Слим: «Зарар бор-йўғи 2 миллиард евро»

Дунёнинг энг бой одами бўлган Карлос Слим Европадаги молиявий инқироз туфайли 2 миллиард евро миқдоридан зарар кўрди.



Лотин Америкасидаги Слим ва унинг оиласига тегишли йирик America Movil оператори шу йилнинг ёзида Голландиянинг KPN ва Австриянинг Telekom Austria телекомпаниялари пакетларини 4 миллиард евродан ортиқроққа сотиб олганди. Тахминларга кўра, бу харид мексикаликка

каттагина фойда келтириши мумкин эди, зеро инқироз туфайли Европа активлари нархи анча пасайган эди. Бироқ орадан бор-йўғи бир неча ой ўтар-ўтмас Telekom Austria пакети нархи 42 фоизга тушиб кетди, KPN да эса бу кўрсаткич 46 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, активлар қадрсизланиши натижа-сида кўрилган зарар 2 миллиард еврога етди.

KPN гуруҳи 2012 йил учун ҳеч қанақа дивиденд тўлай олма-лигини маълум қилди, 2013 йил учун эса бундай тўлов рамзий тарзда бўлади, холос.

Мутахассисларнинг тахминларига кўра, Слим йўқотган маб-лагини қайтариб олиш учун акциялар баҳоси яна кўтарилиши-ни сабр билан кутиши керак. Бироқ бу жараён бир неча йил-ларга ўзилиб кетиши ҳам мумкин, чунки Европа бозорларида-ги вазият жуда чигал ва яқин орада кескин ижобий ўзгариш-лар бўлиши кутилмапти.

Елизавета II илк бор ҳукумат йиғилишида иштирок этди

Тахтга чиққанига 60 йил бўлган қиролича Елизавета II сешанба кўни биринчи мартабо ҳукумат мажлисида қат-нашди. Қироличани мамлакат бош вазири Дэвид Кемероннинг ўзи кутиб олди.



Тўғри, Елизавета II мажлисда узок иштирок этмади. Қиролича бир муддат Кемероннинг курсисидан ўтирган, ташқи ишлар вазири Уильям Хейг ҳамроҳлигида зални тарк этди.

Хейг қироличани ўз вазирлигига бошлаб келди. Бу ерда Елизавета II ни ҳақиқий қутилмаган совға кутиб турарди. Қироличага Антарктиканинг бир қисми унинг номи билан атала бошланганини эълон қилишди. Бундан кейин Антарктиканинг Буюк Британияга тегишли ҳудудининг жанубий қисми “Қиролича Елизавета ери” деб номланади. Бу қироличанинг бриллиант юбилейига (тахтда 60 йил) ўзига хос совға бўлди.

Тарихчилар берган маълумотларга қараганда, шу кунгача қиролича Елизаветадан ташқари фақат икки монарх ҳукумат мажлисида иштирок этган: Георг III 1784 йили ва Елизаветанинг отаси Георг VI Иккинчи жаҳон уруши пайти.

Буюк Британияда қиролича давлат раҳбари бўлгани билан, унинг мамлакат қундалик сиёсий ҳаётидаги иштироки деярли сезилмайди. Амалда қироличада бош вазирни тайинлаш ва парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи бор. Бироқ кейинги икки юз йил ичида бирон монарх мазкур ҳуқуқдан фойдаланмаган.

Чиқиндилар ичида эса 120 минг доллар

Японияда чиқиндилар орасидан 120 минг долларга тенг пул топишган. Пулни душанба кўни ишлаётган ходим топиб олган.

Пул шкаф ичидан топишган, афтидан, уни қачонлардир яшириб қўйган эгаси унутиб юборган. Амадаги қоидага кўра, уч ой ичида эгаси топилмаसा, бу маблағ чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхона ҳисобига ўтказилади.



Ҳеч кимга керак эмас 1 000 000 \$

АҚШда шу йилнинг ёз фаслида Powerball лотереясида бир миллион доллар ютук чиққан эди. Аммо шу кунгача бу ютукнинг эгаси топилмапти.



Шу муносабат билан лотерея ташкилоти раҳбарияти харидорларга мурожаат этиб, чипталар рақамларини яна бир бор текшириб кўришни ва ютук чиққан тақдирда, дарҳол мутасаддиларга мурожаат этишга қақирди.

Powerball ходимларининг сўзларига қараганда, миллион доллар ютук чиққан чипта июнь ойида Меридиан шаҳридаги дўконда харид қилинган. Махаллий лотерея муассасаси чипта сотилган дўконга 20 минг доллар миқдоридан мукофот белгиланганини маълум қилган.

Powerballдаги мавжуд тартиб-қоидаларга кўра, ютук 180 кун сақланади. Ана шундан кейин эгасиз маблағ мактабларга ва капитал қурилиш билан шуғулланадиган жамғармаларга тарқатилади.

Хурматли юртдошлар!



«Асака» банки (ОАЖ)

яқинлашиб келаётган 2013 йил билан

табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«Янги йил 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш
муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган
фоизлар олдиндан ёки омонат
муддати тугагандан сўнг берилади.

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгизни
сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг
банклардаги омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :

- ⇒ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- ⇒ маълумотлар сир сақланиши
тўлиқ кафолатланади!
- ⇒ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи
ўз ихтиёрингизда!
- ⇒ миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу омонат турини банкнинг
барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоний вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Ғолибларни қутлаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси эълон қилган “Ассий Қонунимиз — юксалишлар кафолати” ижодий таъдлови якунланди.

Танлов ҳайъати қарорига кўра қуйидаги муаллифларимиз ғолиб деб топилди:

- Шухрат Рузизаров,
“Фуқароларнинг сиёсий иродасини ифодалаган қомусий ҳуқуқий ҳужжат” мақоласи учун: 1-ўрин;
- Тошпўлат Матиев,
“Конституция — эркинлик ва тараққиёт гарови” мақоласи учун: 2-ўрин;
- Эркин Ходжақулов,
“Мустақкам оила кафолати” мақоласи учун: 3-ўрин;
- Аҳмаджон Мелибоев,
“Ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги дадил қадамлар” мақоласи учун: 3-ўрин.

“Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти ғолибларни қутлайди ҳамда танловда иштирок этган барча муаллифларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Artel савдо белгиси остида

17 декабрь куни Artel савдо белгиси охириги авлод телефонларининг дастлабки бешта моделини тақдим этди ва бу билан мобил техникани ишлаб чиқарувчи биринчи ўзбек компаниясига айланди.

Қисқа муддат ичида маиший техникани ишлаб чиқарувчи ишончли компания номини олган Artel савдо белгисининг мобил телефонлари линейкаси 5 та модел билан очилди: A1d5, Komi3 (dual sim), U30 (dual sim), H20 ва D83. Аппаратларнинг барчаси Android 4.0 ва 2.3.6 операцион тизимида ишлайди. Artel уяли алоқа телефонлари жаҳон андозаларига мувофиқ 4 дюймгача бўлган ўлчамдаги дисплей, MSM 8225, 1200 MGz ва MTK 6515MB, 1000 MGz процессорлари, 4 Gb гача бўлган хотира карталари билан жиҳозланган. Шунингдек, телефонларга диодли ёруғлик чакнаши, автофокус, макротасвирга олиш режими, 8 каррели zoom ва чехраларни таниб олиш функцияларига эга 5MP гача бўлган фотокамералар ҳам ўрнатилган.

Интернетга WAP, GPRS, EDGE, e-mail POP/SMTP, HTML, email IMAP4 технологиялари орқали улашиш мумкин. Телефонларда овозлар тўплами ва овоз билан бошқариш, USB, Wi-Fi ва Bluetooth мавжуд. Artel аппаратлари шарқона муҳитни ҳисобга

Андижон шаҳрида замонавий савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда кейинги йилларда қурилиш, бунёдкорлик борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Янги йил арафасида Амир Темур шоҳқўчасида “Osiyo grand” савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси ишга туширилди.

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга мўлжалланган мазкур мажмуа Андижон қўма механизацияланган қурилиш ташкилоти томонидан миллий ва замонавий архитектура услублари уйғунлигида барпо этилди.

— Мазкур замонавий мажмуани ишга туширишдан мақсад шаҳримиз инфратузилмасини ривожлантиришдир, — дейди тадбиркор Шавкатбек Шухратбеков. — У аҳолига юқори савияда хизмат кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Мажмуанинг биринчи ва иккинчи қаватида мижозлар овқатланиб, хордиқ чиқариши, савдо дўконлари хизматидан фойдаланиши мумкин. Бу



Бунёдкорлик

Янги мажмуа ишга тушди



ерда хариддорлар учун барча қўлайлик ва шароитлар яратилган. Учинчи қаватда эса маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, шунингдек, Андижон тарихини акс эттирувчи буюмлар, зардўзлик, заргарлик ашёлари ва кўرғазмалари ўрин олган. Уларда Андижон-

нинг ўтмиши ва бугуни, шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳам акс этган. Бу мажмуага таширф буюрувчиларда, хусусан, хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

— Юртбошимиз ташаббуси билан шаҳримизда муҳташам

иморатлар, кўркем савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари, замонавий мактаб, лицей ва коллеж биноларининг қад ростлаб, уларда ҳар томонлама қўлай шарт-шароитлар яратилаётгани халқимизда бугунги тинч, фаровон ҳаётимизга шукроналик, эртанги ёруғ келажакимизга ишонч туйғула-

рини юксалтирмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Қодиржон Абдураимов.

Мажмуанинг очилиш маросимида Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий
газета



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Исmoil САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ,
Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол
МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ,
Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан
ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри,
Чалонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1200. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 5845.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 23.00

1 2 4 5

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва
парламент фаолияти бўлими — 288-46-54;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва
линейктар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (142);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс);
Котибнат — 288-42-06 (148).
Навбатчи муҳаррир — Фарҳод ЭСОНОВ.
Навбатчи — Ойбек ТОЖИБОЕВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати
билан амалга оширилади.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5217

